

Буюк давлат арбоби ва саркарда Амир Темур хакида Италиянинг Марко Поло институти томонидан нашр этиладиган “Марко Поло” журналининг 2006 йил 2-сонида махсус макола босиб чиқарилган. Қуйида ушбу макола чоп этилмоқда.

2006 йил 9 апрел куни Ўзбекистонда буюк давлат арбоби ва саркарда, Европада “Тамерлан” деган ном билан машхур бўлган Амир Темурнинг тугилганига 670 йил тўлиши кенг нишонланди.

1991 йилда Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг илк кунларданок, кўп асрлар давомида аждодлар томонидан яратилган улуг, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Машхур давлат арбоби, Ўрта асрлар ислохотчиси, саркарда, адолат учун толмас курашчи, илм-фан ва маданият раҳнамоси Амир Темур даврида илм-фан, маданият ва таълим мислсиз даражада юксалди.

Сиёсий майдонга кадам қўйганида Амир Темур эндиgina 24 ёшга кирганди. Мамлакат пароканда, маҳаллий сиёсий кучлар ўртасидаги ўзаро қарама-қаршиликлар авж олганди. Устига устак, Чингизхон авлодлари Мовароуннахрга тез-тез боскин уюштириб турарди.

Тахминан бир аср давом этган бу даврда Мовароуннахрнинг истибдод аламини тортган оддий фуқароларидан то йирик сиёсий арбобларияу дин пешволаригача жуда ҳам огир кун кечирдилар. Жамиятга озодликка ва таракқиётга бўлган интилишларни ўзида мужассам этган ҳалоскор, дохий зарур эди. Такдир тақозоси билан Амир Темур ана шундай ҳалоскор ва йўлбошчи сифатида тарих саҳнасида пайдо бўлди.

1370 йилда Амир Темур Балхда бўлиб ўтган қурултойда Мовароуннахрнинг улуг амири деб эълон қилинди. Тарқоқликни бартараф этиб, айрим ўлкаларни ягона давлатга бирлаштириш Амир Темурнинг асосий мақсади эди. У давлатнинг пойтахти қилиб Сўғдиёнанинг қадимий пойтахти бўлган Афросиёб ҳаробалари ёнидаги Самарқандни белгилади ва янги шаҳарга асос солди.

Амударё билан Сирдарё оралиги, шунингдек, Фарғона ва Шош вилоятларини бирлаштириб ўзига бўйсундиргандан кейин Амир Темур бошқа мамлакатларга ҳарбий юришларга киришди.

Амир Темур салтанати Ўрта Осиёда 35 йил (1370-1405) ҳукм сурди. У Марказий Осиё ҳудудларини ягона марказлашган давлатга бирлаштирди, Хинд ва Гангадан то Сирдарё ва Зарафшонгача, Тянь-Шандан то Босфоргача улкан империя барпо этди.

Амир Темур ҳарбий юришларининг билвосита оқибатлари улкан аҳамиятга эга: у

Хитойда Мин сулоласи давлат бошига келганда мўғулларнинг Хитойга солаётган хавфининг олдини олди; Олтин Ўрдани енгиб Москва Руси учун ҳам худди шундай ёрдам кўрсатди. 1402 йилда усмонлилар султони Боязид устидан Европа учун катта ахамиятга эга бўлган галабани қозониб, усмонлиларнинг Константинополни истило этишларини ярим асрга суриб юборди. Француз тарихчиси Р.Груссе 20-аср бошларида “Амир Темурнинг Боязид устидан галабаси христиан оламини асраб қолди”, деб ёзган эди.

Тарих Амир Темурни македониялик Искандар, Доро 1, Юлий Сезар каби йирик саркардалар билан бир қаторга қўяди. Амир Темур мингта жанг ўтказиб биронтасида ҳам енгилмаган машҳури замон саркарда сифатида, давлат тузилиши ишларига, илм-фан, маърифат, маданият таракқиётига улкан ҳисса қўшган сиёсий арбоб сифатида тарихга кирди.

Амир Темур тарафидан тарқок вилоятлар ягона давлатга бирлаштирилиб, марказий ҳокимият тузилиб барқарорлашгандан кейин, мамлакат иқтисодиёти мустаҳкамланди, савдо ва ҳунармандчилик ишлаб чиқариши ривожлана бошлади, қўшни ва узоқдаги мамлакатлар билан савдо-ҳўжалик алоқалари кенгайди.

Амир Темур ҳаётлик пайтида давлат бошқаруви ҳақида “Темур тузуклари” деган номда машҳур бўлган махсус китоб ёзилган эди. Унда бу машҳур давлат арбоби ва саркарданинг ҳарбий санъатга, давлат тузилиши ва мамлакатни бошқаришга оид қарашлари акс этди.

“Қуч адолатда” шиори бутун Амир Темур давлати ҳудудида ахлокий ва маънавий мезонга айланди.

14-асрнинг иккинчи ярмида Мовароуннаҳр Яқин ва Ўрта Шарқнинг тижорат, иқтисод ва маданият марказига айланиб борди. Чингизхон қўшинлари томонидан тағ-тубигача вайрон қилинган Самарқанд, Кеш, Бухоро, Термиз, Тошкент, Марв, Хирот каби ва бошқа қадимий шаҳарлар обод бўла бошлади. Масжиду мадрасалар, макбаралар, қарвонсаройлар ва ҳаммомлар қурилди.

Улкан ва бепоён мамлакатнинг пойтахти рутбасини олган Самарқанд, Амир Темурнинг ниятига қўра, қуррайи заминдаги энг чиройли шаҳарга айланиши керак эди. Самарқанд Ўрта Шарқ ва Марказий Осиёнинг энг яхши меъморлари тўпланган шаҳарга айланди. Меъмор ва бунёдкор усталарнинг баҳамжihat саъй-ҳаракатлари туфайли жаҳон меъморчилигида янги йўналиш пайдо бўлди ва у ижоднинг гўзал намуналарини инъом этди

Амир Темур ҳаётлик пайтида бунёд этилган ўнлаб меъморий ёдгорликлар инсон тафаккури, ақли ва салоҳиятининг беназир тажассуми эди.

Амир Темур 12-асрда яшаган ислом илоҳиётчиси, шоир ва мутафаккир Хожа Аҳмад Яссавий даҳосига эҳтиром қўрсатиб, унинг шарафига Туркистон шаҳридаги кичик дахма устида улугвор макбара бунёд эттирди. Макбара бугунги кунда ҳам ўзининг

салобати, кўрки ва ажойиб сопол безаклари билан кишини хайратлантиради.

Хожа Ахмад Яссавий адолатни, инсоннинг ахлокий покланиш ва комилликка эришиш гояларини тарғиб этгувчи сўфийликнинг “яссавия” тарикати асосчиси эди. Амир Темур Хожа Ахмад Яссавийни ўзининг пири деб билар, динга кишиларни маънавий ва ахлокий камолотга етакловчи, мамлакат куч-кудрати ва улугворлигини мустахкамловчи куч сифатида ёндашарди.

15-аср тарихчиси Шарафиддин Али Яздийнинг гувоҳлик беришича, Амир Темур “ободончиликка арзийдиган бир қарич ҳам ер бўш қолмасин”, деб қайғуларди.

Улкан ва қудратли салтанат барпо этган Амир Темур янгича тарихий вазиятда мамлакатда маънавиятнинг гуллаб-яшнаши, юксалиши ва ўтмиш давра­ларнинг олий анъаналари тикланиши учун шарт-шароит яратди. Амир Темур ва Темурийлар сулоласи вакилларининг гуманитар соҳаларга алоҳида эътибори туфайли Х1В-ХВ1 асрларда юксак илмий ва ижодий ютуқларга эришилди.

Амир Темур ва Темурийларнинг аёлларга бўлган меҳрибонларча муносабатларини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Амир Темур ўзининг суюкли рафикаси Биби­хоним шарафига Самарқандда улугвор жоме масжид қурдирди. Биби­хоним номи билан аталувчи бу масжид Амир Темур даврининг энг маҳобатли биноларидан бири саналади. Масжид 1399-1404 йилларда қурилган ва ҳозирга қадар яхши сақланган. Буюк бобоқалонидан ўрнак олган бобурий Шохжаҳон суюкли рафикаси Мумтоз Махал бегим учун 1652 йилда макбара - дунё мўъжизаларидан бирига айланган нодир меъморий ёд­гор­лик қурдирди.

Амир Темур ва Темурийлар даврида адабиёт, амалий ва тасвирий санъат ривожланди. Ай­никса, исломга қадар мавжуд бўлган деворий монументал расм ва китоб миниатюраси санъати юксалди.

Амир Темур тарихда мохир дипломат ва давлатлар ўртасида яхши муносабатларни ривожлантириш, савдо-иқтисодий алоқаларини йўлга қўйиш тарафдори сифатида чуқур из қолдирди. У Европа ва Осиё ўртасида ўзаро алоқаларни мустахкамлашга қаратилган кенг қўламли ишларни амалга оширди. Сохибқирон дунёнинг турли мамлакатлари билан алоқалар ўрнатди: бир тарафдан – Хитой, Хиндистон, иккинчи тарафдан – Франция, Англия, шунингдек, Усмонлилар империяси, Испания, Италия, Миср ва бошқа давлатлар.

Амир Темур савдо-иқтисодий муносабатлар орқали халқлар ва мамлакатлар орасида ягона макон яратишда мисли қўрилмаган ютуқларга эришди. У Испания қироли Генрих III Франция қироли Карл IV, Англия қироли Генрих саройларига элчилар йўллади; айни пайтда ўз саройида испан, француз, инглиз, хитой ва бошқа хорижий мамлакатларнинг элчиларини қабул қилди.

Амир Темур умрининг кўп қисмини юришларда ўтказди. Шарққа қилган юриши пайтида Амир Темур 1405 йил 18 феврал куни Ўтрор шаҳрида вафот этди. Унинг жасади

Самаркандга олиб келиниб, 23 феврал куни Гўри Амирда, набираси Мухаммад Султон дахмасида дафн килинди.

Европалик олимлар Амир Темур ва унинг фаолияти хақида бундан тўрт юз йил илгари гапира бошлаган эди. 1553 йилда Флорентсия (Италия)да италян олими Перондино каламига мансуб “Скифлик буюк Тамерлан” китоби босилиб чикди. Бу Европада Амир Темур хақидаги илк илмий тадқиқот ҳисобланади.

Европа тилларида (испан, инглиз, француз) эълон килинган ёзма манбалар ичида биринчи ўринда испан элчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг “Самаркандга Амир Темур саройига саёхат кундалиги (1403-1406)” туради. Буюк Рембрандт Бобурийлар замонидаги ҳинд миниатюраларидан илҳомланиб, Амир Темурни унинг ворислари Умаршайх, Захириддин Бобур, Ҳумоюн ва Акбар даврасида тасвирлайди.

XV асрда яшаган машҳур инглиз шоири ва драматурги Кристофер Марлонинг “Буюк Темур” номи трагедиясида ёш Темурбек ўзининг тенгсиз акли, салоҳияти ва шижоати билан жаҳон тарихидаги қудратли подшолардан бирига айлангани намойиш этилган. Трагедия ХУП асргача сахнадан тушмай, Англияда театр мавсумини бошлаб берган.

Бир неча европалик бастакорлар операларда Амир Темур образини яратганлар. ХУП аср бошида италян бастакори Гаспирни “Тамерлан” операсини яратди. Мазкур опера Вена театрида сахна юзини кўрди. Бастакор Лео уни Неапол театрида сахналаштирди. Антонио Вивалди, Сколари, Гендел ва бошқа бастакорлар ҳам бу мавзуда мусика асарлари яратганлар.

Бугун жаҳоннинг элликдан ортиқ мамлақатида темуршунос олимлар илмий изланишлар олиб бормоқда. Темур ва Теурийлар даврига бағишланган кўплаб китоблар чоп этилмоқда. Ўтган олти юз йил мобайнида Европа тилларида Амир Темурга бағишлаб ёзилган салмоқли асарларнинг сони 500 га етди, Шарқ тилларида эса 900 дан ошди.

Русчадан М.Ахмедов таржимаси

ЎЗА